Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 113 (5704).
18 МАЙ 1985 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ЛЕНИНГРАДДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари 16 май кунининг иккинчи ярмида «Большевичка» тикувчилик бирлашмасида бўлди. Бирлашма директори Н. В. Царькова, партия комитетининг секретари А. Н. Кучумова, шу корхонанинг меҳнатчилари харидорларга харидоргир молларни кўпроқ етказиб бериш учун бу ерда қилинаётган ишлар ҳақида гапирдилар. Коллектив аёллар ва болалар кийимини тикиш ассортиментини йил сайин 80 процентигача алмаштирмоқда, 1980 йилдан буён «Н» индекси билан маҳсулот ишлаб чиқаришни қарийб икки баравар кўпайтирди. Бу ерда меҳнат чиқимлари тармоқдаги ўртача даражадан 40 процент камдир.

Бирлашма раҳбарлари енгил индустрия корхоналари учун планлаштириш системасини ўзгартириб, улгуржи ярмаркаларда корхоналар билан савдо ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларни планга асос қилиб олиш, планларда етказиб бериладиган хом ашёни ва мавжуд меҳнат ресурсларини эътиборга олиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Суҳбат чоғида кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолишига эришиш мақсадида РСФСР Енгил саноат министрлиги корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, серунум асбоб-ускуналар билан таъминлаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга эътибор бериши лозимлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Михаил Сергеевич КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада коллективга катта муваффақиятлар тилади.

М. С. Горбачев «Интенсификация-90» виставкасини кўздан кечирди. Виставкада Ленинград экономикасини интенсивлашнинг 1990 йилгача мўлжаллаб ишлаб чиқилган ва муваффақиятли бажарилаётган территориал-тармоқ программаси ҳамма бўлимлари ва йўналишлари тасвирланган. Бу программада белгиланган тадбирларнинг тўла-тўкис амалга оширилиши энг янги технология жараёнларини, автоматлаштириш ва механизациялаш воситаларини, ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланиладиган қайишқоқ автомат системалар ва асбоб-ускуналарнинг илғор турларини жадал ва кенг миқёсда жорий этишни таъминлайди. Шу асосда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларига эришилади, қўл меҳнати даражаси кескин камаяди, шу жумладан, шаҳар хўжалигида ва маиший хизмат соҳасида ишлаб чиқариш чиқимлари озаяди, ҳамма турдаги ресурсларнинг анчагина миқдори тежаб қолинади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ленинград партия ташкилоти ва меҳнаткашлар фан-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасида олиб бораётган кенг кўламдаги ишларни қўллаб-қувватлади.

Корхона ва ташкилотларда КПСС Ленинград областъ комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков, шаҳар ва областнинг бошқа раҳбарлари М. С. Горбачев билан бирга бўлдилар.

(ТАСС).

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА— 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!



Суратда: ташаббускорлар.

А. Горокрик, Б. Юсупов фотолари. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

РЕСПУБЛИКА САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИНИНГ КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети таъкидлайдики, барча совет кишилари каби Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVII съездини чақириш тўғрисидаги қарорини қизғин кутиб олдилар. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда муайян ютуқларга эришилди. 30 мингдан кўпроқ меҳнатчи ижодий ташаббус, меҳнатга коммунистик муносабат, юксак онглилик намуналарини кўрсатиб, беш йиллик топшириғини барвақт бажарди ҳамда республиканинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг белгиланган планларини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшди.

Партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенг авж олдира бориб, экономикани интенсив ривожлантиришни таъминлаш, техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тартиб ва уюшқоқликни қарор топтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақидаги Пленум қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг кўрсатмаларига амалий иш билан жавоб беришга интилиб, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари — В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчилар бригадири Иван Михайлович Басанец, «Ферганафтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Вера Алексеевна Ковалева, Ўзбекистон металлургия заводининг комплекс бригадаси бошлиғи Ҳамроқул Норматович Эгамбердиев, «Ташсельмаш» заводининг электр пайвандчиси Дмитрий Александрович Атаманов, Бухоро зардўзлик фабрикасининг каштачиси Шамсия Ғаниева, Қўқон пойабзал фабрикасининг бичиқчиси Муҳаббат Қўшназаровна Соҳибова, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Каромат Ҳакимовна Ёқубоева, «Бухоро» локомотив депосининг машинисти Александр Борисович Власов, «Наманганводстрой» трестининг 2-кўчма механизациялашган колоннаси экскаватор машинисти Рўзибой Сулаймонов, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 167-қурилиш тресті комплекс бригадаси бошлиғи Одилбек Жуманиёзов, «Ўзэлектромонтаж» трестининг Самарқанд монтаж бошқармаси электр монтажчилар бригадири Николай Романович Лихошерст, Қорақалпоғистон АССРдаги «Олтинкўл» совхозининг шоличилик бригадаси бошлиғи Қодиримбет Дуримбетов, Навоий областидаги «Маданият» совхозининг бош чўпони Турон Қистовбоев, Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси Валида Мусаева, Сурхондарё областидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи Ҳайдар Сафаров, Сирдарё областидаги «Правда» газетаси номли совхоз механизатори Камол Халилов, Андижон областидаги «Коммунизм» колхозининг пиллачилик бригадаси бошлиғи Мунавварxон Бозорова, «Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарлар бригадири Эркин Носиров ўртоқлар КПСС XXVII съезди шарафига йигирма етти зарбдор ўн кунлик ўтказиш юзасидан ватанпарварлик ташаббуси билан чиқиб, оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Улар ишлаб чиқаришни янада пухта ташкил этиш, профессионал маҳоратни такомиллаштириш, илғор иш усуллари ва рационализацияни жорий этиш ҳисобига шу йилги топшириқларни муваффақиятли бажариш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 1986 йил биринчи квартал планини съезд очиладиган кунгача бажаришни таъминлаш, меҳнат унумдорлигини 1,6—5 процент ошириш, хом ашё ва материалларни планга қўшимча равишда тежашга эришиш ҳамда шу тежалган ресурслар ҳисобига бир кун ишлаб беришга аҳд қилишди. Ер, сув, техникадан самарали фойдаланилади, далаларнинг ҳосилдорлиги ва фермаларнинг маҳсулдорлиги оширилади, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар барвақт бажарилади. Чорва қишлови намунали ўтказилади ҳамда келгуси йил ҳосили учун кўкламги дала ишларига пухта тайёргарлик кўрилади.

Илғор ишчилар, қурувчилар ва қишлоқ меҳнаткашлари республиканинг барча меҳнатчиларини эришилган натижаларни мустаҳкамлабгина қолмай, балки уларни тағин ҳам кўпайтириш, 1985 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини бажариш, Ватанимизнинг қудратини янада кучайтириш мақсадида келгуси беш йилликда муваффақиятли ишлаш учун яхши замин яратишга даъват этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети И. М. Басанец, В. А. Ковалева, Ҳ. Н. Эгамбердиев, Д. А. Атаманов, Ш. Ғаниева, М. Қ. Соҳибова, К. Ҳ. Ёқубоева, А. Б. Власов, Р. Сулаймонов, О. Жуманиёзов, Н. Р. Лихошерст, Қ. Дуримбетов, Т. Қистовбоев, В. Мусаева, Ҳ. Сафаров, К. Халилов, М. Бозорова, Э. Носиров ўртоқларнинг КПСС XXVII съезди шарафига йигирма етти зарбдор ўн кунликда ишлаш ташаббусини бошлаб берган ватанпарварлик ҳаракатини маъқуллади.

Ўзбекистон область, шаҳар, район партия комитетларига, область, шаҳар, район ижроия комитетларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, республика министрликлари, идоралари, бирлашмалари ва корхоналарига бу қимматли ташаббусни кенг ёйиш таклиф этилди. Партия ташкилотлари ташаббускорларнинг тажрибасини муҳокама этиб, ундан фойдалансинлар, меҳнат коллективларида уни ёйиш учун ташкилотчилик ишларини авж олдириб юборсинлар. Юксак унумли меҳнат қилишлари учун уларга зарур шарт-шароитларни яратиб берсинлар.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар билан биргаликда халқ хўжалиги тармоқларининг асосий оммавий касблари ўртасида ихтисоси бўйича 1985 йилдаги энг яхши ходимни аниқлаш учун конкурс шартларини ишлаб чиқиб, уни ўтказсин.

Республика газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига ишлаб чиқариш илғорлари ва уларнинг издошлари ютуқларини мунтазам ёритиб бориш топширилди.

[Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари илғорларининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисида Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига мурожаати бугун тонгги газеталарда эълон қилинган].

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

ПАРТИЯ СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун совет халқи билан биргаликда зўр тарихий воқеа арафасида турибдилар. Москвада КПССнинг навбатдаги XXVII съезди иш бошлайдиган кунга саноқли ойлар қолди, бу съезд партиянинг янги таҳрирдаги Программасини қабул қилади, КПСС Уставига тузатишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади, мамлакатни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантиришнинг олис истиқболга мўлжалланган режаларини ишлаб чиқади. Коммунистларнинг бўлғуси умумиттифоқ анжумани Коммунистик партия ва бутун совет халқи турмушида жуда муҳим палла бўлиши шубҳасиз. Шу кунларда меҳнат коллективларида шонли воқеа шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёзмоқда.

17 май куни Ўзбекистонда ўтказилган Ягона сиёсий кун «КПСС XXVII съездини муносиб кутиб оламиз» деган мавзуга бағишланди. Корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, муассасалар ва ўқув юртларининг коллективларида, уй-жой кварталлари ва маҳаллаларда съездга тайёргарлик кўрилаётган масъулиятли даврда нималар қилиш тўғрисида батафсил гаплашиб олинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, партия комитетларига сайланган активлар, совет ва жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурида доклад қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган XX пленуми қарорларида ҳаракат программаси, келгусидаги ишнинг асосий йўналишлари аниқ-равшан белгилаб берилганини нотиқлар уқтириб ўтишди. Съезд олди зарбдор вахтаси давомида, дейишди нотиқлар, халқ хўжалигининг барча тармоқларида 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришларига, республиканинг иқтисодий ва социал жиҳатдан янада ривожлантириш дадил бошланишини таъминлашларига эришиш зарур. Кенг миқёсли вазифаларни ҳал этиш, экономика ва маданиятга раҳбарлик қилишни янада такомиллаштириш ишида съезддан олдин партияда ўтказиладиган ҳисобот ва сайловлар бениҳоя муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Ҳисобот ва сайловлар даврида ҳар бир партия ташкилотида қилинган ишнинг якунлари ўз-ўзини танқид асосида анализ қилиниши, КПСС Марказий Комитетининг талаблари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва шундан кейинги пленумлари қарорлари амалда қандай рўёбга чиқарилаётганлигини суриштириб, ойдинлаштириш, коммунистларнинг куч-ғайратларини давлат топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга сафарбар қилиш зарур. Шу мақсадга эришиш учун ҳозирнинг ўзидаёқ жамики мавжуд резервларни аниқлаб ишга солиш лозим. Сиёсий кун қатнашчилари мавжуд қувватлардан фойдаланишни яхшилашга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, экономикани интенсивлаш масалаларига, маҳсулот сифатини оширишга, чала қолган қурилишларни кескин қисқартиришга, қишлоқ хўжалигидаги ҳамма ишларни юқори даражада ва муддатида ўтказишга, интизом ва тартибни янада мустаҳкамлашга, ичкиликбозликка қарши курашга, ҳар бир коллективда соғлом маънавий, психологик иқлимни вужудга келтиришга катта эътибор бердилар.

Аҳоли ҳамма табақаларининг намояндалари КПСС XXVII съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олишни ўзларининг ватанпарварлик бурчи деб ҳисоблаётганликларини айтдилар, партиянинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги оталарча ғамхўрлигига жавобан Ер юзида тинчликнинг суянган тоғи бўлмиш Советлар мамлакатининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўпроқ ҳисса қўшишга сўз бердилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари доклад қилишди.

(ЎзТАГ).

Тошкентда КПСС XXVII съезди шарафига ўз зиммасига оширилган социалистик мажбурият қабул қилмаган меҳнат коллективи йўқ. Коммунистларнинг навбатдаги анжумани муҳим масалаларни ҳал этади. КПССнинг янги таҳрирдаги Программасини қабул қилади, КПСС Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади, узоқ муддатга мўлжалланган, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини ишлаб чиқади. План ва зиммага олинган мажбуриятларнинг бажарилганлиги ва ошириб бажарилганлиги тўғрисидаги меҳнат рапортлари съездга энг яхши совғадир.

17 майда «КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик!» мавзуида бўлиб ўтган ягона сиёсий кунда янги муваффақиятларга қандай қилиб эришиш тўғрисида муфассал гап борди. Партия масъул ходимлари, раҳбарлар, олимлар, маданият намояндалари саноат, қурилиш, муассасаларнинг коллективлари ҳузурида сўзга чиқдилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленумида ўртага қўйилган конкрет вазифалар тўғрисида гапириб бердилар.

Ягона сиёсий кун қатнашчилари шуни таъкидлаб ўтишдики, мавжуд резервлардан янада тўлароқ фойдаланилса, фан-техника тараққиёти ютуқлари тезроқ жорий этилса янада кўпроқ натижаларга эришиш мумкин. Маҳсулот сифатини яхшилаш масалаларига ҳам эътиборни кўпроқ қаратиш лозим.

Меҳнат коллективларининг вакиллари Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини янги меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олиш иштиёқида тўлиб-тошганликларини изҳор этдилар.

(Ягона сиёсий кунга бағишланган материални газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

Ичкиликбозлик ҳаётимизга ёт нарса

ТОШКЕНТЛИКЛАР ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИМИЗНИНГ ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА АЛКОГОЛИЗМНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ДОИР ТАДБИРЛАРИНИ ЯКДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР.

Партия ва ҳукуматимиз ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон қилишни тугатишга муҳим эътибор бераяпти. Кечаги газеталарда эълон қилинган ҳужжатлар бундан далолат бериб турибди. Ичкиликбозлик ва алкоголизм бизнинг социалистик турмуш тарзимизга, ахлоқимизга мутлақо ёт нарсалардир. Ичкиликка ружу қўйиш меҳнат унумдорлигини пасайтиради, оилани барбод қилади, кишиларнинг соғлиғига тузатиб бўлмас даражада зарар келтиради. Бу шармандали ҳолга қарши аёвсиз кураш фақат бугунги авлод тўғрисидагина эмас, балки келгуси авлод тўғрисида ҳам ғамхўрлик ҳисобланади.

Барча совет кишилари каби тошкентликлар ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президуми ва СССР Министрлар Советининг норматив ҳужжатларини совет кишиларининг саломатлиги тўғрисида ҳукуматимиз ғамхўрлигининг ёрқин далили деб ҳисобламоқдалар.

Ичкиликбозликдек шармандали ҳолга қарши биз ҳамма жойда қатъий кураш олиб боришимиз зарур. Айни пайтда меҳнаткашларнинг, айниқса ёшларнинг дам олишини ҳар томонлама яхшилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугун газетамиз саҳифаларида оқшомхонлар ана шу йўналишда нималар қилингани ва қилинажаги ҳақида ҳикоя қилиб беришади.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Фаровон турмушимиз, завқли меҳнатимиз, ширин ҳаётимиз гаштини суриш нақадар катта бахт! Шундай ажойиб замонда, тўкчилик-тўкинлик даврда яшаяпмизу, баъзан бизнинг турмуш тарзимизга ёт иллатлар, сарқитларга дуч келганда нафратланамиз. Шундай ярамас одатлардан бири ичкиликбозлик ва алкоголизм иллатидир. Коммунистик партиямиз Марказий Комитети «Ичкиликбозлик ва алкоголизм»ни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги масалани айни пайтда ўртага қўйди, бу ёмон сарқитни йўқотишнинг қатъий чора-тадбирларини белгилаб берди.

Халқимиз, ичкилик — умр эгови, деб бежиз айтмайди. КПСС Марказий Комитетининг қарорида жумладан бундай дейилади: «Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш инсон соғлиғини хароб этишини, бўлажак авлодларга ҳалокатли таъсир қилишини, жамиятга катта таъсир қилишини ва маънавий зиён етказишини аҳолига маҳорат ва сабот билан тушунтириб берилсин». Дарҳақиқат, спиртли ичимлик саломатлик кушандаси бўлиб, умрни қисқартиради, турли хасталикларни келтириб чиқаради.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш ҳақидаги қарор фаровон турмушимиздаги ёмон сарқитни йўқотишда жуда муҳим дастуруламал бўлади.

Рауф АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор.

ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИГА ЭЪТИБОР

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида айтиладики, комсомол комитетлари ёшларни алкоголизмга қарши руҳда тарбиялашни энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблашлари керак. Бизнинг граждан авиацияси заводимиз комсомоллари ва ёшлари бу сўзларни амалий ҳаракат қўлланмаси сифатида қабул қилдилар.

Янги йил арафасида заводимиз эшиклари яқинида ёшлар маркази ишлай бошлайди. Ҳозирнинг ўзида бино тайёр, тез кунда пардозлаш ишлари бошланади. Биз бу марказ ёшлар учрашувлари ўтказиладиган доимий жой бўлишини истаймиз. Йигитлар ва қизлар бу ерда ўз қизиқишларига кўра машғулотларда қатнашадилар — бу ерда дискозал, ёшларнинг илмий-техникавий ижодиёти хонаси, интернационал дўстлик клуби ишлайди.

Корхонамиз базасида 20-ўрта ҳунар-техника билим юрти бор. Завод комсомол комитети билим юрти ўқувчилари учун радио ва авиамодель тўгараклари, бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этиш борасида иш олиб боряпти.

И. ИГНАТЕНКО,
243-граждан авиацияси заводи комсомол комитети секретари.

Эртага—В. И. Ленин номидаги Бутунittифоқ пионер ташкилоти туғилган кун

ПИОНЕРЛАР БАЙРАМИ

Эртага ёш ленинчилар — Ўзбекистон пойтахти пионер ташкилотининг вакиллари Ленин комсомоли номидаги Марказий маданият ва истироҳат боғига ўз байрамларини нишонлашгани келишади. Советлар мамлакатининг пионерлар ташкилоти туғилган кунга шаҳарнинг ёш ленинчилари ўқишда яхши муваффақиятлар билан келдилар. Улар кўпгина шонли ишларни қилдилар.

Юзлаб ёш армиячилар отрядлари «Мамлакатга — миллион», «Оқ олтин», «Дорихона» операцияларида тимурчилар ҳаракатида қатнашмоқдалар. Улар дарахт ва гул кўчатлари ўтказишяпти, доривор ўсимликлар, макулатура ва металл парчалари йиғишяпти. Улар Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларини излаб топмоқдалар, Москвада бўладиган XII жаҳон ёшлар ва студентлари фестивалига совғалар тайёрлашяпти.

Пойтахтнинг барча районларида байрам арафасида ёш армиячилар парадлари, ветеранлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Шу кунларда Бутуниттифоқ «Салют, Ғалаба!» пионер марши маршрутларида пионерлар ташкилотлари ишларининг якунлари кўриб чиқилди. Биринчи ўринни Ленин районининг пионерлар ташкилоти олди.

Эртага байрамда ўқувчилар ўзларининг шонли ишлари ҳақида ҳикоя қилиб беришади. Куйлаш ва рақс тушиш маҳоратларини кўрсатишади. Ўзларининг чизган расмларини намойиш қилишади.

* * *



Суратда: ёш ленинчилар.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби



ДЕПУТАТ ИБРАТИ

Валентина Репникова «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаётганига ўн саккиз йилдан ошди. У корхонанинг кўп нусхали «Фрунзевец» газетаси чиқарилаётган босмахонада матбаачи бўлиб ишлайди. У ишга виждонан муносабатда бўлиши, жамоат ишларида актив қатнашиши билан ўртоқларининг ҳурматига сазовор ишчидир. Меҳнат зарбдори, ўз касбининг устаси Валентина Репникова яқинда бўлиб ўтган сайловларда Тошкент шаҳар Совети нинг депутати этиб сайланди. У ҳозир касаба союз активисти сифатида ҳам корхонада катта ишларни амалга оширяпти. Халқ депутати шу кунларда стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги ва КПССнинг навбатдаги XXVII съездини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақада фаол қатнашяпти.

* * *

СУРАТДА: матбаачи Валентина Репникова.

• Меҳнат зафарларимиз — КПСС XXVII съездига

• Армия сафида хизмат қилаётган бўлсангиз...

• Ҳаракат хавфсизлигига риоя қилайлик

• Ягона сиёсий кун: нималар қилинди?

Таклифлар назоратга олинган

ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ОРГАНЛАРИ ЯГОНА СИЁСИЙ КУНЛАР МОБАЙНИДА МЕҲНАТКАШЛАР БИЛДИРГАН ТАНҚИДИЙ МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФЛАРНИ АЛОҲИДА НАЗОРАТГА ОЛГАНЛАР.

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари шаҳарчадаги баъзи йўлларни ремонт қилиш, шунингдек айрим магазинларнинг иш вақтини соат 20.21 гача узайтириш имкониятини кўриб чиқишни сўраганлар. Чунки ишчилар соат 18—19 ларда иш вақтини тугатадиларки, уларнинг хизматидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Куйбишев район Совети ижроия комитетида «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳарчасидаги йўлларни 1985 йилнинг иккинчи кварталида ремонт қилиб бериш ҳақида қарор қилинди. Шу йилнинг апрель ойидаёқ озиқ-овқат магазинларигина эмас, саноат моллари магазинларининг иш кунлари ҳам узайтирилди. Уларда ҳам дам олиш куни якшанбадан душанбага кўчирилди.

«Средазкварцсамоцветн» экспедициясининг ходимлари сиёсий кунда кўпгина саволлар беришди. Жумладан, улар 1-Алпомиш, Интизор, Сайқалий, Ҳусанбоев кўчаларида истиқомат қилувчи аҳолининг фарзандлари учун бошланғич синфлар ташкил этиш имкониятини кўриб чиқишни сўраганлар. Чунки илгари бу ерда жойлашган мактаб Пионерлар уйига айлантирилди, болаларга кўпгина кўчалардан ўтиб янги мактабга боришларига тўғри келяпти.

Куйбишев район ҳалқ маорифи бўлими мудири Ғ. А. Афзалов бунга жавоб бериб шуни айтдики, бу ерда Пионерлар уйи зарур. Ҳозирги вақтда эса бу ерда бошланғич синфлар очишнинг имконияти йўқ. Шунинг учун йўлнинг гавжум жойларида ўқувчиларни уларнинг ўқитувчилари кутиб олишади ва йўлдан хавф-хатарсиз ўтиб олишларини таъминлашади. Келгусида эса ўн иккинчи ўеш йилликда халқ маорифи бўлими шу жойда янги мактаб қуришни режалаштиришни кўради.

Сиёсий кунда таъкидланишича, Шимолий-Шарқ, «Ташавтомаш», Високовольт массивларида аҳолини сабзавот билан таъминлаш ёмон аҳволда. «Ташплодоовощ» бирлашмасининг Куйбишев район улгуржи-чакана савдо идораси директори Д. Абдусаломовнинг маълум қилишича, бу жойларда мавжуд бўлган бор-йўғи олтита мева-сабзавот дўкони етарли эмас, албатта. Яқинда Високовольт бозорида магазин очилди. Тошкент трактор заводи территориясида беш сотувчи савдо қилиши мумкин бўлган сабзавот магазини қуриляпти. Трактор заводининг жанубида мева-сабзавот магазини очиш тўғрисидаги масала кўриб чиқиляпти.

Сайқалий ва Қурбонов кўчаларининг аҳолиси санитария жиҳатидан тозалашни илтимос қилишган. Бу жойлар чиқиндилардан тозаланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти хизматчилари 17-экспресс автобуси, 18-троллейбус, 13 ва 22-трамвайларнинг маршрутларидаги ҳаракатни тартибга солишни сўрашган эди. Бу сигнал шаҳар пассажир транспортининг барча турлари ишларини координация қилиш ва ривожлантириш бошқармасига берилди. У ердан маълум қилишларича, бу маршрутлар бўйича ҳар куни пландаги миқдорда ҳаракат составлари йўлга чиқаяпти.

Шунингдек, Академиклар шаҳарчасида «Академкнига» магазинини очиш сўралган эди. Бу илтимос «Ташкниготорг» маъмуриятига қаратилган. Улар дастлабки имконият туғилиши биланоқ бу ерда «Академкнига» магазинининг филиалини очишади.

3-марказий поликлиниканинг медицина ходимлари поликлиника ёнидаги Фрунзе кўчасини ремонт қилишни илтимос қилишган. Бу таклиф мулоҳаза ҳисобга олинди ва адо этилди.

Биз бу ерда пойтахтнинг Куйбишев райони корхона ва ташкилотларида ягона сиёсий кунда берилган саволларнинг муайян бир қисмигина келтирдик, холос. Табиийки, ҳар бир таклифи мулоҳазани амалга оширилган деб бўлмайди, чунки уларнинг баъзи бирларини атрофлича ўйлаб кўриш талаб этилади. Кўпчилик сиёсий докладчилар кеча гражданларнинг ўтган учрашув чоғида берган саволлари бўйича нималар қилинганлиги ҳақида сўзлаб бердилар. Табиийки, янги саволлар ҳам берилди. Кеча бўлиб ўтган сиёсий кун ажойиб воқеа — партиямизнинг бўлажак XXVII съездига бағишланди. Кўпчилик саволлар муҳим ишлаб чиқариш масалаларига қаратилди. Ахир, ҳар биримизнинг олдимизда жонажон партиямизнинг XXVII съездини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш вазифаси турибди. Бунинг учун эса янада яхшироқ ишлашимиз, олға томон муваффақиятли ҳаракатимизга халақит берадиган барча нуқсонларга барҳам беришимиз лозим.

• Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

Ветеранларга ғамхўрлик

Савдо хизмати кўрсатилиши учун мени «Чилонзор» марказий универсал магазинига бириктириб қўйишган. Лекин бу ерда бизга яхши эътибор беришмаяпти. Масалан, ўтган йилги буюртмамни ҳалигача бажаришмади. Наҳотки бизга дурустроқ хизмат кўрсатишнинг иложи бўлмаса?

А. ҲАМДАМОВ,
I группа уруш инвалиди.

В. ГОРЕНКОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

— Улуғ Ватан уруши I группа инвалиди А. Ҳамдамовнинг аризаси унинг иштирокида кўриб чиқилди. «Чилонзор» марказий универсал магазинида ветеранларга хизмат кўрсатишдаги камчиликлар бартараф этилди. Чунончи, А. Ҳамдамовга унинг буюртмасига биноан савдо хизмати кўрсатилди. Бириктириб қўйилганларга савдо хизмати кўрсатилишини яхшилаш мақсадида «Чилонзор» ЦУМида Фарҳод кўчасида «Ветеран» магазини очилиши учун алоҳида хона ажратилди. Бу ерда уруш ветеранлари учун барча зарур шароит яратиляпти.

• Юрист жавоб беради

Ҳарбий хизматчиларга имтиёзлар

Биз яқинда ҳарбий хизматни тугатиб, уйга қайтиб келдик. Ҳозир заводга ишга кирганмиз. Айтингчи, амалдаги ҳарбий хизматда бўлинган вақт иш стажига қўшиладими? Узлуксиз иш стажи сақланадими?

Б. ВОҲИДОВ, Ҳ. АЛИМОВ.

А. ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг жамоатчи-инспектори.

— СССР Министрлар Советининг 1981 йил 17 февралдаги қарори билан тасдиқланган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар ҳақидаги Низомга асосан, гражданларнинг СССР Қуролли Кучларида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган вақтлари умумий иш стажларига қўшилади. Узлуксиз иш стажи ҳамда мутахассислик бўйича иш стажи сақланади.

СССР Қуролли Кучларига чақирилган олий ва ўрта маълумотли ёш мутахассисларни ҳақиқий ҳарбий хизмат даврида бўлган вақтлари ўқишни битирганда мажбуран ишлаб бериладиган вақтга ҳам қўшилади.

Ҳарбий хизматдан бўшаган кишиларни ишга жойлаштириш тартиби қандай?

С. АБДУЛЛАЕВ.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ҳамда корхона, муассаса, ташкилот, колхозлар ва ўқув юртлари бошлиқлари ҳарбий хизматдан запасга бўшаган ёки истеъфога чиққан муддатли хизматда бўлган ҳарбий хизматчиларни, яъни прапоршчик, мичманлар ва офицерларини, уларнинг мутахассисликлари ҳисобга олинган ҳолда мурожаат қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан иш билан таъминлашга мажбурдирлар.

Ходим ҳарбий хизматга чақирилишидан олдин ишлаган муассаса, корхона ёки ташкилотида ишга яна жойлашиши учун кўрсатилган имтиёздан фойдаланади. Шунингдек, запасдаги офицер составидаги кишилар ҳарбий хизматга иккинчи йил муддатга чақирилганда ва бу хизматни ўтаб келганларидан сўнг аввалги мансабларидан кам бўлмаган иш билан таъминланадилар.

Ўғлим олий ўқув юртига кириб, бир йил ўқиганидан сўнг ҳарбий хизматга чақирилди. Айтингчи, ҳарбий хизматчиларнинг ўқишни давом эттиришида қандай имтиёзлар белгиланган? Уларни тайёрлов курсларига юборши тартиби ҳақида ҳам тушунтириш берсангиз.

Р. ИСМОИЛОВА.

Ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилганлар хизматдан запасга бўшаганларида аввал ўқиган ўқув юртига, ўша курсга қайтиб келиб ўқишни давом эттиришга ҳақлидирлар. Бунда стипендия қайтадан қабул қилинган кундан то навбатдаги имтиҳонлар якунигача белгиланади.

Ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшаган ва тугалланган ўрта маълумоти бор кишилар олий ўқув юртлари қошидаги тайёрлов курсига қабул қилинадилар. Ўқишга йўлланма ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан, шунингдек ҳарбий хизматдан сўнг ишлаган муассаса, корхона ёки ташкилотлари томонидан берилади. Йиғинларга ёки командир машғулотларига жалб қилинган ишчи, хизматчи ва колхозчиларнинг йиғин вақтида хизмат вазифаси (иши) сақланади. Иш жойидан уларга ўртача иш ҳақи тўланади. Бундай ҳисобга ҳарбий бўлимга бориш ва қайтиб келиш вақти ҳам қўшилади.

Ҳарбий йиғинларга (масалан, бир ойлик йиғинга) чақирилган ишчи, хизматчи ва колхозчиларнинг ўртача ойлик маошлари сақланадими?

Б. СОБИРОВ, А. КАРИМОВ.

• «Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«Қуруқ қошиқ»

Газетанинг шу йил 19 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган шанба фельетонида Ҳамза районидаги ошхоналар трести ишидаги нуқсонлар танқид қилинган эди. Мақолага шаҳар ўумумий овқатланиш Бош бошқармасидан жавоб олинди.

«Мақола Бош бошқарма ходимлари ўртасида кенг муҳокама этилди. Бунда ошхоналарда хизмат кўрсатиш маданиятн оширилишига, савдо қоидалари бузилишларига чек қўйиш устидан назорат кучайтирилди.


Р. УРАЗБОЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш Бош бошқармаси бошлиғи.

***

Шунингдек, мақолага керакли изоҳ ва тегишли чоралар кўрилгани ҳақида Урта Осиё темир йўлининг 1-НОД ишчилар таъминоти бўлимидан жавоб олинди.

1-НОД ишчилар таъминоти бўлими [ОРС] бошлиғи А. Халибоевнинг жавобида айтилишича, мақола ОРСнинг кенгайтирилган йиғилишида умумий овқатланиш корхоналарининг барча раҳбарлари, ишлаб чиқариш мудирлари, ошпаз-бригадирлари ва технологлари иштирокида муҳокама қилинди. 4-ошхона мудири Я. Ёқубова нуқсонларга йўл қўйганн жиддий кўрсатиб ўтилди. Умумий овқатланиш секторига бундай нуқсонларнинг олдини олиш мақсадида назоратни кучайтириш ва истеъмолчилар конференцияларини ўтказиш юзасидан кўрсатма берилди.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ



Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бирлашмаси машинасозларни КПСС XXVII съездини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш иштиёқида меҳнат қилишяпти. Улар ишлаб чиқарилаётган сеялкалар, кўсак чувиш машиналари, гербицидлар сочувчи мосламаларни сифатли тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишяпти.

СУРАТДА: тайёр маҳсулотларни жўнатиш участкасининг А. Раҳматов бошчилигидаги илғор бригадаси ишчилари П. Анохин ва Ж. Тўраев тайёр маҳсулотни жўнатишга ҳозирлашяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

• Хат босилмади, аммо чора кўрилди

Буюртма бажарилди

Оқшомхон И. Уктамова редакцияга хат йўллаб, «Химчистка»га топширган кофтасини ололмаётганидан шикоят қилган эди. Шикоят текшириш ва чора кўриш учун шаҳар «Химчистка» фабрикасига юборилган эди.

Фабрикадан олинган жавобда айтилишича, бўяш цехида жиҳозлар ремонти амалга оширилганн сабабли буюртманн бажариш кечиккан. Эндиликда буюртма бажарилди ва И. Уктамова буюртмасини олди.

Назорат ўрнатилди

Улуғ Ватан урушн қатнашчиси Г. Содиқхўжаев редакцияга хат йўллаб, ўзи обуна бўлган газета ва журналларни кечикиб олаётганидан шикоят қилган эди.

Шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бошқармасидан олинган жавобда айтилишича, ўз ишига лоқайдлик билан муносабатда бўлганн учун 58-алоқа бўлимн почтальонн В. Пупкова вазифасидан четлаштирилдн. Обуначига матбуот нашрларнинг муntазам етказиб бериш йўлга қўйилдн. Киров район алоқа узелига алоқа бўлимлари ишн устидан назоратни кучайтириш топширилдн.

Бундан ташқари Тошгела кўчасида 31-аптека, «Союзпечать» киоскасн, почта бўлимн, 7-таксомотор парки рўпарасида телефон-автоматлар бор.

• Бизнинг интервью

ЙЎЛОВЧИДАН... САҚЛАНИНГ

Яқинда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтдн. Мухбиримиз ушбу йиғилишда муҳокама этилган масалаларни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги М. А. ВАУЛИНдан шарҳлаб беришн илтимос қилдн.

— Михаил Андреевич, «йўловчи проблемаси» ҳақида кўп гапирилади. Ваҳоланки, йўл ҳаракати қоидаларида йўловчилар учун алоҳида боб очилган бўлиб, унда уларнинг кўчада қандай ҳаракат қилишлари кўрсатилган. Айниқса, шуни айтиш керакки, кўпинча қоидани болалар бузишади...

— Йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳар икки ҳодисанинг бирида йўловчи айбдор бўлмоқда. Фақат ўтган йилнинг бошидан буён 900 нафар тошкентлик автомобиль ғилдираклари остида қолиб жароҳатланди. Шундан 187 таси болалардир. Бу ғоят ачинарли рақамлар кўргазмали картина сифатида йўлда киши хавфсизлигини таъминлаш ўта муҳим вазифа эканлигини кўрсатади.

Шундай йўловчилар борки, улар одатдаги талабларга риоя этмайдилар, улар болалардир. ГАИ протоколларида ҳеч қачон болалар тўғрисида «Йўл-транспорт ҳодисаси айбдори» деб ёзилмайди. Боланинг ўзи машина тагига кириб қолдими, унинг ҳаётини сақлаб қолган ҳайдовчи жабрландими, барибир бунда биринчи айбдор атрофдаги кишилар, энг аввало унн «йўл алифбесиға ўргатмаган, интизомли йўловчи бўлишига ундамаган, ёш гражданинни фалокатдан сақлаш учун қайғурмаган кишилардир.

Ҳодисалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, гарчи болалар мактабларда йўл қоидаларини ўргансаларда, лекин кўп ҳолларда йўл ҳодисаларининг сабабчилари бўлишяпти. Бунинг туб сабаби яқинда давлат автомобиль инспекцияси ходимлари томонидан шаҳарнинг умумий таълим мактабларида текширнш ўтказилганда аниқ-равшан бўлди. Масалан, Чилонзор районининг 188, 163, 232-мактабларида «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича машғулотлар журналларга биноан якшанба ва байрам кунлари ўтказилган. Бу очиқдан-очиқ қўшиб ёзишдир.

Фрунзе районидаги 172-мактабнинг 3-Б ва 6-Б синф ўқувчилари билан бўлган суҳбатда шу нарса аниқ бўлдики, йўл ҳаракати қоидалари бўйича машғулотлар мутлақо ўтказилмайди. Аммо шуниси ажабланарлики, бу предмет бўйича журналга баҳолар қўйиб борилган.

В. И. Ленин номли боғда ҳам болалар автодроми ҳамон ишламаяпти. Болалар травматизми ўсиб бораётганлигининг сабаби микрорайонлардаги мактабларда дарс бошланиши олдидан ҳамда тугаганидан сўнг ўқитувчилар ва ёш инспекторларнинг навбатчилиги ташкил этилмаганлигидир. Бу камчиликларнинг ҳаммаси ёш йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда, болалар ўртасида йўл травматизми учун «замин» ҳозирламоқда.

Халқ маорифи Бош бошқармаси, район халқ маорифи бўлимлари қисқа муддат ичида бу масалаларга жиддий эътибор беришлари, мактаб ўқувчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш программалари қандай бажарилаётганини мунтазам назорат қилишлари лозим.

— Айтингчи, жамоатчилик транспорти ҳайдовчилари йўл ҳаракати қоидаларига қандай риоя этяптилар?

— Қуйидаги воқеа шу йилнинг 14 апрель куни соат 22.30 да Лоҳутий ва Пролетар кўчалари кесишган чорраҳада содир бўлди. 1-трамвай депосига қарашли Ф. Пошоев бошқариб келаётган «РВЗ —6» маркали 1175-номерли трамвай 12-автопаркка тегишли «ЛАЗ —695» маркали 39—76 ТНЛ номерли Э. Эмирсолиев бошқариб келаётган автобус билан тўқнашиб кетди. Бу бахтсиз ҳодиса туфайли ўн киши жароҳатланди, 600 сўмликдан зиёд зарар келтирилди.

Текширишда шу нарса маълум бўлдики, айбнинг кўпгина қисми автобус ҳайдовчиси зиммасига тўғри келади, чунки медицина комиссиясининг хулосасида «Профессионал-шофер сифатида кўзойнакда автобус бошқаришга ярайди» деб ёзилган бўлсада, аслида рейсолди медицина кўригидан ўтмаган ва кўзойнаксиз ишлаган. Уша текшириш пайтида 12-автобус парки ҳайдовчилари ўртасида тарбиявий ишлар мутлақо олиб борилмаслиги маълум бўлди. Партия ва касаба союз ташкилоти йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасида иштирок этмайди. Автобусларнинг носоз ҳолда йўлга чиқиши, йўл қоидаси хавфсизлигини туғдираётган ҳоллари кам эмас. Илгари Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тадбирлар плани жорий этилмаган.

Худди шундай манзарани 1-трамвай депосида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда ҳам ёш ҳайдовчилар билан профилактика ишлари суст олиб бориляпти, ҳайдовчиларнинг профессионал маҳоратини ошириш ва транспорт интизомини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган қўлланма мутлақо йўқ.

Лоҳутий — Пролетар кўчалари чорраҳасида содир бўлган ҳодисанинг тафсилотини аниқлаш давомида 1-трамвай депосида яна шу нарса маълум бўлдики, бу ерда яна битта йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган экан.

— Михаил Андреевич, кўпинча йўл-транспорт ҳодисалари йўлларнинг қониқарсиз ҳолати туфайли содир бўлади, шундай эмасми?..

— Ҳа, Тошкентнинг бир ярим минг километрдан ортиқ йўл ва кўчалари бўйлаб пассажир ва юк ташиётган автомобилларнинг қудратли оқими ҳаракат қилади. Йилдан-йилга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг йўлсозлик ташкилотлари томонидан кўча ва автомобиль магистралларида амалга оширилаётган ремонт ишларининг технологияси бузиб келиняпти. Масалан, айниқса қишдан сўнг йўлдаги чуқурларни, ёрилган жойларни ва бошқа жойларни ремонт қилиш ишлари йўл участкаларининг устки қатламини дастлабки ишловсиз амалга оширадилар, кўпинча бу мақсад учун яроқсиз материаллар ишлатилади. Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари томонидан текширишда аниқланишича, Пушкин, Луначарское шоссе кўчалари, Горький, Ленин проспектлари ва бошқа йирик автомобиль магистралларида бундай ёрилган жойларни тўлдириш учун ихтисослаштирилган йўл эксплуатация трести йўлсозлари махсус мастика ўрнига суюқ сақнчни қўллар эканлар. Бу эса ёрилган жойларни қайта ишлаш учун мутлақо яроқсиздир. Бунинг натижасида бундай йўл шароитида автомобилларнинг ғилдираклари тормози ишлаши кескин ёмонлашди, йўл чизиқлари яроқсиз ҳолга келди. Бу эса ўз навбатида авариянинг келиб чиқиши учун шароит яратади. Ҳозирда йўл хавфсизлиги учун йўлнинг қоқ ўртасида жойлашган ер ости коммуникацияларининг люклари ҳақиқий «тўсиқларга айланган. Йўлнинг юзини қоплаш бўйича капитал ремонт ишлари бу люкларни йўл юзаси билан тенглаштирмаган ҳолда, яъни кўтармаган ҳолда амалга оширияпти, натижада сунъий чуқурчалар юзага келмоқда. Бирнни Локомотив кўчасининг ўзида ҳайдовчи «Таштеплосетьга қарашли йигирмадан ортиқ шундай люкни айланиб ўтишига тўғри келади. Ҳудди шундай йўл юзаси билан тенглаштирилмаган люкларнинг бир нечтасини ГАИ ходимлари Полтарацкий кўчасида ҳам санаб чиқдилар.

Айниқса, темир йўл переездларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласи анча мураккаблашиб қолди. Шаҳардаги мавжуд 71 та темир йўл переездидан 64 таси талабга жавоб бермайди. 55 тасида тахта тўшамалар носоз, подъездларда 50 та перездга тўтувчи йўллар яроқсиз ҳолда. Буларнинг ҳаммаси переездларнинг ўтиш қобилиятини кескин қисқартиради, транспорт воситаларининг переездларда мажбурий тўхтаб қолишини оширади, бу эса жиддий фалокатларга олиб келиши мумкин.

Транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бу умумдавлат миқёсидаги вазифадир. Унн барча идора ва министрликларнинг кучи билан биргаликда ҳал этиш лозим. Фақат шундагина биз истаган натижага эришишимиз, шаҳримиз йўл ва автомобиль магистралларини транспорт ҳаракати учун хавфсиз қилишимиз мумкин.

«ВАЪДАБОЗЛАР»

Газетанинг шу йил 12 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Чоштепа кўчасида машиналарни тикиб бериш хизматлари ишлаб турибди. Ҳозир транспорт воситаларини ремонт қилиш станцияси ва радио-телеаппаратураларни ремонтга қабул қилиш пункти очилиш арафасида. Бу ерда пойафзал ремонти бўйича қабул пункти очиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари Чоштепа кўчасида 31-аптека, «Союзпечать» киоскаси, почта бўлими, 7-таксомотор парки рўпарасида телефон-автоматлар бор.

• *Бош пландан бир лавҳа*

ЗАВОДНИНГ ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини техникасиз тасаввур этиш қийин. Қудратли машиналар ерни экиш-тикишга тайёрлашдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган жараёнларни бажармоқда. У кундан-кунга далада ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Шу сабабли машинасозлик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари ҳам тинмай оширилмоқда. «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги корпусларини қуришга киришилганига анча бўлди. Айни пайтда унинг қуюв заводи ва бир қатор ишлаб чиқариш корпуслари қурилиши жадал суръатларда олиб борилаяпти.


Бу улкан қурилиш ишлари «Узгипротяжпром» институтининг 1-архитектура-қурилиш бўлими мутахассислари —катта меъмор Акром Нозимов, бўлим бош архитектори Саидолим Саидазимов ва лойиҳа бош инженери Николай Степанович Гончаровлар яратган лойиҳа асосида олиб боришяпти.

Унга кўра бош корхона ёнида қуюв комплекси, ёрдамчи цехлар ва бошқа ишлаб чиқариш корпуслари қад кўтаради. Айни пайтда архитекторлар чўян ва пўлат қуйиш цехлари лойиҳаларини ҳам яратмоқдалар.

Комплекс лойиҳасида ишчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам кўпгина қулайликлар яратиш кўзда тутилган.

Чунончи завод атрофига дам олиш зонаси қурилиб, бу ерга фавворалар, кичик архитектура формалари ўрнатилади ва «Союзпечать» киоскаси қўйилади. Ишлаб чиқариш илғорлари учун мўлжалланган «Ҳурмат тахта»си дам олиш хиёбонидан жой олади.

Хуллас, 2—3 йил ичида бу ер энг замонавий ишлаб чиқариш корхонасига айланади. Завод конвейеридан эса дастлабки янги, қувватли тракторлар туша бошлайди.



СУРАТДА: «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қурилаётган қуюв комплекси макети.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

• *Ажойиб насиҳатлар*

Ҳикматнома

РОСТГЎЙЛИК

Ҳамма вақт рост ва тўғри гапиришни ўз виждонинг бурчингиз деб билинг. Рост гапингиз зоҳирда ўзингизга зарардек туйилса ҳам, охир-натижада у фойдангиз бўлиб чиқиши табиийдир.

ҲАЛОЛ ДАРОМАД

Бир кишининг қайси йўл билан даромад қилаётганини билмоқчи бўлсангиз, унинг қилаётган сарф-харажатига назар ташланг. Нотўғри йўл билан топилган маблағ аямасдан ноўрин ерларга сарфланаверади. Дабдабали тўй-ҳашамлар қилиб, иқтисодчиликка қилаётган бойваччаларнинг топган даромадлари ҳалолдан эмас.

ОДАМ ТАБИАТИ

Баҳор фаслида турли ўсимлик ва дарахтларнинг гуллаб-очилиб, ўз хушбўй ҳидларини ҳамма ёққа таратиб турга нашъасидан баҳраманд бўлмаган, қулоқларга жаранглаб эшитилиб турган қушлар навосидан баҳра олмаган одамларнинг табиати соғлом эмас.

ТИНЧЛИК—ОЛИЙ БАХТ

Эй дўстим, дунёнинг лаззати тинчликдир. Ер юзидаги ҳамма яхшиликлар, ҳамманоз-неъматлар инсонлар фойдаси, яшаши учун яратилган. Ҳалол меҳнати билан эл-юрт бойлигига бойлик қўшган одам ҳеч камлик кўрмайди. Кимки софдил, ҳалол, меҳнаткаш бўлса, у тинчликка ҳисса қўшган, одамлар ўртасида обрў-эътибор топган бўлади. Тинчлик барча халқлар учун олий бахт эканини унутмайлик.

Шарқшунос олим Шоикром ШОИСЛОМОВ тайёрлаган.

• *Бугун—Халқаро музейлар куни*

НАФОСАТ ОЛАМИГА САЁҲАТ

БУГУН **Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида Халқаро музейлар куни кенг нишонланди. Шу куни музейга мингга яқин томошабин келиб, нафосат олами билан танишди.**

Тошкентлик кекса рассом, республикада хизмат кўрсатган мадания ходими Ҳикмат Раҳмонов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони рассом Самиғ Абдуллаевлар санъат мухлислари билан учрашдилар. Улар республикамиз санъатшунослари, ёш рассомлар ва ҳайкалтарошларнинг асарларидан намуналар кўрсатиб, уларнинг яратилиши ҳақида сўзлаб бердилар. Ҳикмат Раҳмоновнинг «Олтин тўй», «Йўлдош Охунбобоев болалар орасида», «Биринчи ўқитувчи Фотима Сиддиқова», Самиғ Абдуллаевнинг «Қрим манзаралари» туркум асарлари, ўзбек генераллари — Собир Раҳимов, Файзулла Норхўжаев, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари —Боис Эргашев, Солиҳ Умаров каби портрет асарлари музей томошабинларида яхши таассуротлар қолдирди.

Томошабинлар музейлар куни муносабати билан очилган республикамизнинг биринчи миллий рассомлари, Улуғ Ватан урушида халоқ бўлган Баҳром Ҳамдамий, Ҳаким Раҳимовнинг «Автопортрет»лари, мойбўёқ ва график жанрида жонланган турли мавзудаги асарлари қизиқиш уйғотди.

Шу куни санъатга оид лекция ўқилди, кинофильмлар намойиш қилинди. Ўзбек, рус, инглиз, немис ва француз тилларида залар бўйлаб экскурсиялар олиб борилди.

М. АҲМЕДОВ.







САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

ЯХШИ АНЪАНА



Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институтининг тарих ва музика кафедрасида студентлар ва ўқитувчиларнинг концертларини ташкил этиб туриш яхши анъана бўлиб қолган. Институтнинг кичик театрида ташкил этиладиган бундай концертлар музика шинавандаларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, яқинда бўлиб ўтган концертлардан бирида бўлажак музикачилар ва уларнинг устозлари машҳур композиторлар и н и н г асарларини ижро этдилар.

СУРАТЛАРДА: Ўқитувчи Малика Қосимова роялда куй ижро этмоқда; музика мухлислари.

Т. Каримов фотолари.

• ШЕЪРИЯТ ВА ТЕАТР САҲНАСИ

ТИРИКЛИККА ЭЪТИҚОД

Театрда янги премьера. Томошага таклиф қилинганлар саҳнада комедия ёки спектакль эмас, балки янги бир ижодий тайёргарликка гувоҳ бўлишяпти. Ҳаммаси ғайри-табиий — театр чироқларининг рангин зиёлари, саҳна безаклари, ҳатто томошабинларнинг бутун диққат-эътибори ҳам ўзгача. Уларнинг жиддий қиёфаларига қараб, нималарни идрок қилаётганини, кўнглидан нималар кечаётганини уқиб олиш қийин эмас. Улар бу ерга кулиш ёки «маданий ҳордиқ» чиқариш учун эмас, балки Шеър тинглагани келишган. Шеър...

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, шоира Ҳалима Худойбердиева шеъриятига изоҳ бериб ўтиришимиз ноўрин бўлса керак. Унинг шеърияти — Меҳр чашмаси, Тирикликнинг жонбахш насими. Унинг шеърияти ошифта кўнгилнинг саболари, «Дориломон кунлар»нинг муаттар тароналари, унинг шеърлари — «Ўзимизнинг боғлар».

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат драма театри яхши анъана бошлабди. Театр тарихида биринчи марта Шеърият саҳнага чиқарилди. Режиссёр Рустам Аҳмедов, актриса Дилором Каримова ва шоира Ҳалима Худойбердиеваларни н г ижодий ҳамкорлигида яратилган «Эътиқод» шеърий композицияси премьерасига ташриф буюрганларнинг ҳаяжонланиши бежиз эмас. «Эътиқод» томошабинлар кўнглини уларнинг ўзи кутмаган ҳолда жунбушга келтирди. Улар саҳнада оддий шеърий деклямацияни эмас, балки шеърият ва санъатнинг бир-бирига йўғрилган мукаммал ифодасини кўришди.

Композиция Хиросима фожиасига бағишланган насрий реквием билан бошланади. Актрисанинг «Бир дақиқа!..» нидоси билан бошланувчи монологи инсоний фожиаларни кўз олдингизда гавдалантиради. Бир дақиқа... Бир дақиқа сукут... Бир дақиқа қувонч. Бир дақиқа нафрат. Бир дақиқа... Бу сўнгсиз дақиқалар актриса каломида юксак инсоний оғриқларга айланади. Дунё талотумидан дарак бергувчи қудратли нидо— инсоният бошига тушган, бугунги кунда ўтмиш бўлиб қолган, лекин жароҳати одамлар қалбида яшаб келаётган фожиалардан келажакни огоҳлантиргандай бўлади.

Хотира — композициянинг нурли риштаси. Дардли ўтмиш Хотираси. Эзгулик Хотираси, Инсонлар хотираси. Ва ниҳоят ёруғ Келажак олдида Хотира. Шоиранинг самимий сатрлари орқали янграётган бу Хотиранинг порлоқ сураати оппоқ Она ҳайкали тимсолида кўз олдингиздан ўтаверади, ўтаверади... Бу Хотира сизнинг буюк Бурчингизни яна бир карра ёдингизга солади. Ватан ва Инсонлар олдидаги қарзингиз қатъийлашади.

Шу ўринда актриса Дилором Каримованинг шоира шеърларига юрак позициясидан туриб муносабатда бўлганини айтиб ўтиш керак. Шеърлар меҳр билан ёд олинган. Байтлар ритмикасига алоҳида эътибор берилган. Шу сабабли сўзлар салмоғи бехатар томошабинни ҳам чулғаб олади. Уни ром этади. Уйлашга мажбур қилади. Шу жиҳатдан режиссёрни ҳам, актрисани ҳам фақатгина табриклаш мумкин. Москвадаги Таганка театри тажрибаси ўзбек санъаткорларининг янги ижодий ютуқларини кўрсатган. Бу ўриниш шунчаки юзаки тақлид эмас. Бироқ муаллифлар композицияни яхшилаш мақсадида бор имкониятлардан тўла фойдаланган деб бўлмайди. Масалан, Она ҳақидаги, урушнинг бошланишига бағишланган шеърлар туркуми фонидаги музикалар ўз ўрнига тушмаган.

«Эътиқод» ўзбек саҳнаси учун янгилик. Бу янгиликнинг келажаги ўзбек томошабинлари қалбига кириб борувчи янги ижодий ўринишларга бориб тақалиши шубҳасиздир.

С. САИДОВ.

* * *

СУРАТДА: «Эътиқод» спектаклидан лавҳа.

ГУГУРТДАН ЯСАЛГАН ШАҲАР

Бундай шаҳар харитада йўқ. У навоийлик В. И. Колбасиннинг квартирасидаги одатдаги столдан жой олган. У ясаган шаҳарда батартиб кўча қаторлари, кинотеатр, магазин, стадион, почтадан иборат кўп қаватли уй-жойлар ҳам бор. Мана шундай «бино»ларни бунёд этиш учун юзлаб гугурт қутилари сарфланди.

Василий Иванович бу иш билан кўпдан буён қизиқиб келарди. Бир хил машғулот билан шуғулланганида зерикиб қолиши турган гап эди. Аммо Колбасин конструкцияларни муттасил такомиллаштиради, бўлғуси қурилишларининг янги-янги «лойиҳа»ларини ўйлаб топади. Гугуртдан қурилишлар ясашда ҳосил қилган малакасини мактабдаги тўгарак машғулотларида ўқувчиларга ўргатади. Бу ерда ишлаб чиқариш таълими мастери бўлиб ишлайди. Унинг фикрича, бу машғулот болаларда сабр-тоқатни, диққат-эътиборни, аниқликни камол топтиради. Бу фазилатлар эса билим юрти тайёрлаётган бўлғуси химиклар учун ниҳоятда зарурдир.

(ЎзТАГ).

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Медицина зулуги

Баҳор келди дегунча, баъзи кишилар медицина зулугини излаб қоладилар. Бунинг сабаби бор, албатта. Зулук солувчи кишилардан, нега бундай қиляпсиз десангиз, «ҳаром қон» тинчлик бермаяпти, юз-кўлоқларим лўқиллаб оғрийди, қичишади ёки шундай қилмасам, яра тошиб кетади; деб жавоб беришади.

«Ҳаром қон» ҳақиқатан мавжудми? Буни севат медицинаси тажрибалар асосида тасдиқлади. «Деворлари» шамоллаши, яллиғланиши сабабли томирларнинг айрим қисмларида тўсиқлар пайдо бўлади. Натижада, қон томирлардан нормал ўтмайди. Солинган зулук ҳалиги тўсиқни излаб топади ва қуйилиб қолган қонни сўриб олади. Шундан кейин қоннинг юриши нормаллашади. Бу ерда шуни айтиш керакки, яралар қон томирининг ана шу тўсиқлари атрофида бўлади. Медицина зулуги Кавказда, Украинада ва Молдавияда кўплаб учрайди. Республикамиз дорихоналарида айни пайтда мавжуд зулуклар кўлмак ёки сув ўти кўп бўлган, секин оқадиган сувларда ҳаёт кечиради.

Дорихонадан олинган зулуклар махсус банкаларда сақланади. Банкадаги сувни ҳар куни янгилаб туриш лозим. Қудуқ ва водопровод суви зулук учун зарарли. Бундай сувнинг озгинаси ҳам уни ўлдириши мумкин. Водопровод суви ишлатишдан олдин бир кун тиндирилиши керак. Ёш ва қари зулуклар ишлатилмайди. Ҳар бир зулукка бир марта қон сўрдирилади, холос. У қон сўраётганда ўзидан қонни ивитмайдиган гириддин ферменти ишлаб чиқаради. Бу фермент зулук қон сўраётганида, унинг сўлаги билан бирга кишининг қон томирига ўтади ва қоннинг ивишига йўл қўймайди.

• ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ СИРЛАРИ

АСАЛАРИЛАР УМРИ

Ҳашаротлар оламининг умр кечириши қизиқ бўлганидек, уларнинг қанча яшаши дунёга қай пайтда келгани билан ҳам белгиланади. Асалари умрининг узун ёки қисқа бўлиши вақтига боғлиқ ҳолда кечади. Масалан, агар асалари июнь ойида дунёга келган бўлса—48 кун, июлда туғилган бўлса 28 кун яшайди.

Куз ойида дунёга келган асаларилар анча «узоқ умр» кечиради. Улар келгуси йилнинг май ойигача яшайди.

ПРОБИРКАДАГИ ЎСИМЛИКЛАР

Ўзбекистон селекционерлари «Магарач» Бутуниттифоқ узумчилик-виночилик институтидан ғалати посилка олишди. Бу институт узумни кўпайтиришнинг янги усулини ихтиро қилган. Посилка ичида озуқа муҳити бужудга келтирилган пробиркалар бўлиб, унга ток тўқима парчалари жойлаштирилган эди. Ўттиз кундан кейин тўқима илдиз отади ва барг чиқаради. Ниҳолчанинг бўйи 10 сантиметрга етгач, тупроққа кўчириб ўтказилади. Бу ток иккинчи-учинчи йилиёқ ҳосил бера бошлайди.

Ток кўчатларини кўпайтиришнинг янги усули энг яхши ток навларини етиштиришни жадаллаштиришга имкон беради.

(ЎзТАГ).

• *Бир шингил табассум*

ОШХОНАДА

Иштаҳаси карнай бўлган хўранда пазандага норози оҳангда деди:

— Нима учун таомни оз сузяпсиз?

Бунга жавобан пазанда:

— Азизим, донолар айтишадики, — «Сиҳат тиласанг — кам е!» — дедим насиҳатомуз.

ТРАМВАЙДА

— Абонементим йўқ экан, энди нима қилдим-а!

— Уч сўмдан воз кечасиз биродар!

ФОЙДАЛИ ШИОР

— Дадажонисн, ҳодимларингиз келтирган совғаларни ҳеч қайтармай, курсанд бўлиб олавердингиз-а...

— Хотинижон билмайсанми, аҳир ҳадя — дўстликдан нишона-ку.

БИР МАРТАГИНА

Дам олиш уйида ҳаммахона бўлган иккки аёлнинг бири танниша-туриб сўради:

— Мен пайпоқ тўқиш фабрикасида цех бошлиғи бўлиб ишлайман, битта пайпоқни фақат бир мартагина киямаи холос,— деди мағрурланиб.

— Мен эса, кутубхоначиман, битта китобни бир мартагина ўқийманқўймаи, — деди иккинчи аёл бўш келмай.

ТАКРОР ЎҚИБ

Китоб ўқиётган қиз кулимсираб ўтирар эди. Бунга қизиқсиниб, дугонаси сўради:

— Нега ўқиган сарингни курсанд кўрмаяпсан?

— Биласанми, мен мана шу ҳажвиянн етти маротаба ўқиган эдим, негадир бу сафар жуда кулгили туюлаяпти.

Ф. ОРИПОВ.

НАБОТОТ МЎЪЖИЗАЛАРИ

ПАҲЛАВОН ҚОВОҚ

Германия Демократик Республикасида чиқадиган «НБИ» журналида қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган мўъжиза ҳақида қизиқарли лавҳа берилди.

Америкалик фермер Галахер ҳар йили Колинзе шаҳрида ўтказиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмасида олий соврин билан мукофотланади. У жюри ҳайъати олдида ўз қўли билан етиштирган баҳайбат қовоқ намунаси билан барчани эсанкиратиб қўйди. Намойишга қўйилган қовоқнинг оғирлиги нақ 278 килограмм келиб, уни кўчишга бир кишининг қулочи калталик қилади.

Маълумотларга қараганда соҳибкор бу ғаройиб қовоқни кўргазмага келтириши уни парваришлашдан машаққатлироқ бўлган.

ДИҚҚАТ, ЭЛЕКТР ДАРАХТИ

Барчага маълумки, дарахтлар қушлар, қолаверса айрим ҳайвонларнинг ошёни ҳисобланади. Бироқ, Ҳиндистондаги бир дарахтга на қуш қўнади, на бирорта жонзот ўрмалайди— ундан барча жониворлар ҳавфсирайди. Агар мазкур дарахт танасига қўл теккизгудек бўлса, одамни эсанкиратадиган даражада ток уради. Қизиғи шундаки, дарахт компакт милларига 15—20 метр наридан сезиларли таъсир кўрсата бошлайди.

Шуниси қизиққи, дарахтда мавжуд бўладиган электр кучланиши ҳар доим бир хил даражада бўлавермайди. кун мобайнида бир неча марта ўзгариб туриши мумкин. Дарахтдаги электр кучланиши қоқ пешинда жуда юқори даражада бўлиб, ярим тунда ниҳоятан жуда паст электр токи қайд қилинади.

Доно ХЎЖАЕВА.

• *Аёллар, сизлар учун*

МЕБЕЛЛАРНИ ТОЗА САҚЛАШ

Уйингиздаги мебелларни тўғри сақлай билсангиз унинг «умри»ни узайтирган бўласиз. Бунинг учун уларни ишлатиш асбоблари олдидан узоқроқ туришини таъминланг. Қуёш нури мебелга тик тушмаслиги керак, акс ҳолда мебель жуда қуриб кетади ва қийшайиши мумкин. Кўпинча мебелингиз лакланган, сайқалланган бўлади. Уларнинг чангини қуруқ, тоза, юмшоқ матолар билан артишни унутманг. Ҳўл латта мебелнинг сайқалини хиралатиб қўяди ва тез четнашига сабабчи бўлади. Мебеллар учун махсус чиқарилган препаратлар, яъни пастасимон, эмульсияли препаратлардан фойдаланмоқ керак. Буларнинг таркибида мум ва мумсимон моддалар, минерал мойлар, эритувчи моддалар, силиконлар, шунингдек мебелни ялтироқ ҳолатга келтирадиган махсус моддалар бор. Масалан, силиконлар ярқиратади ва намга чидамли қилади, эритувчи моддалар эса мебелдаги ҳар хил доғларни эритишга хизмат қилади. Сайқаллашда эса кўпинча «Освежитель мебели», «Полироль—3», «Лоск 72» каби кремлардан фойдаланилади. Эмульсияли сайқалловчи препаратлар дока ёки юмшоқ латта билан артилади. Бир неча минутдан сўнг майин мовут билан артиб ялтиратилади. Кенглиги 5 метргача келадиган секцияли мебеллар кенг тарқалган. Бундай мебель қисмлари устма-уст ва ёнма-ён қўйилади. Асосан секцияли мебеллар бевосита квартираникки, хонага қўйиладиган мебеллар дераза ва эшикка ҳалақит бермаслиги, ёруғликни тўсмаслиги, девор рангига уйғун бўлиши, хона ичида эркин ҳаракатга ҳалақит бермаслиги лозим. Фойдаланганда ҳеч қийналмайдиган бўлишни таъминлаш керак. Чангини пилесосда олсангиз ҳам бўлади. Ўрнатишда полнинг текислигига ҳам эътибор бериш керак.

О. КАРИМОВА, инженер-технолог.

СССР Кубоги учун

ГИЛАМДА—ДЗЮДОЧИЛАР

БУГУН

«Юбилейний» Марказий спорт залида дзюдо курашн бўйича мамлакат Кубоги мусобақалари бошланади. Гиламда ғолиблик учун барча иттн, фоқдош республикалар, Москва ва Ленинград шаҳарларининг энг кучли спортчилари беллашадилар. Баҳс икки составда олиб бориладн. Катталар ва ўсмирлар биллур соврин соҳибини аниқлашади.

●

Ўзбекистон терма командаси энг кучли составда қатнашади. Спорт мухлислари бир неча марта Жаҳон, Европа ва мамлакат чемпиони, хизмат кўрсатган спорт мастери, андижонлик Владимир Собдирев, СССР халқлари VIII ёзги Спартакиадасининг чемпиони, халқаро классли спорт мастери Андрей Клоянинг олишувларини томоша қилишлари мумкин. Тошкентлик яна уч спортчи мухлислар олдида ўз маҳоратини намойиш қилади. Улар спорт мастерлари Эркин Холиқов, Сергей Соколов ва Анатолий Глазуновдир. Республикамиз шарафини «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг вакили Фарҳод Оғаев ва тошкентлик армиячи Комил Юсупов ҳам ҳимоя қилади.

Республикамиз ўсмирлар терма командаси асосан армия клубининг вакилларидан ташкил топган. Уларнинг сафида спорт мастери Бобир Юсупов, спорт мастерлигига кандидатлар Ҳаким Каримов, Игорь Позднияков ва Игорь Соколовлар бор. «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг вакиллари спорт мастерлигига кандидатлар Нотиқ Қосимов ва Александр Гутарев, шунингдек, динамочи спорт мастери Эрнст Морозов гиламда баҳс олиб боради.

Шундай қилиб, бугун соат 17.00 да дзюдо кураши бўйича СССР Кубоги мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлади. Кейин полвонлар баҳсларни давом эттиришади. Эртага команда ҳисобида СССР Кубогининг соҳиблари маълум бўлади.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

18 МАЙ, 1985 й.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 20. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол шарҳи.
10.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Аслида ўзи йўқ шаҳардаги саргузашт».
11.55 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.55 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
15.50 «Онамларнинг мактаби».
16.20 «Забайкальеликлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
16.55 Б. Барток. Рапсодия.
17.15 «Горнчилар, қаердасиз!»
17.45 М. А. Шолохов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
18.45 «Ишлар ва одамлар». «Югмебель» корхоналарида иккиламчи ресурслардан фойдаланиш тажрибасидан.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Н. Римский-Корсаков, «Садко». ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли.
21.30 «Время».
22.05 «Садко» операсининг давоми.
23.15 Футбол шарҳи.
23.45 «Дунё воқеалари».
00.05 Тинчлик велопойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Сифатнинг ўз сирлари бор». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Тарих. 8-синф. В. И. Ленин революцион фаолиятининг бошланиши.
10.05 «Фан ва турмуш».
11.05 География. Денгиз ва океанларнинг табиий бойлиги.
11.35, 12.40 Музика. 6-синф. С. Прокофьевнинг «Золушка» балети.
12.05 «Рус тили».
13.10 Табиатшунослик. 2-синф. Мен ўрмон бўйлаб бораман.
13.30 Г. Бакланов. Асарлари саҳифаларида.
14.15 Физика. Дунёни ҳаракатлантирувчи куч.
14.45 А. С. Пушкин. «Евгений Онегин». Адабий этюдлар.
15.45 «Кампучия уфқлари». Киноочерк.
16.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Красний маяк» колхози». Ҳужжатли фильм.
19.00 Ритмик гимнастика.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Текширув». Бадиий фильм.
23.15 «Виктор Васнецов. Хотиралар». Телефильм.
23.45 «Москванинг катта соврини» стендга отиш бўйича халқаро мусобақалар.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Табиатшунослик. Ўзбекистонда ёз.
10.40 «Қудуқ бошида». Телевизион бадиий фильм.
11.30 Табиатшунослик. Ўзбекистонда ёз (рус.).
11.50 «Бор экан-да, йўқ экан...» Телефильм.
12.30 География. Зарафшон иқтисодий районн.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ўқувчилар бригадасида».
18.45 КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик! «Ер ва эл» (рус.).
19.15 «Овқатланиш режими». Врач маслаҳати.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Дзюдо кураши бўйича СССР кубоги. Ёзиб олинган репортаж.
20.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». Самарқанд областидаги Энгельс номли колхоз чорвадорларининг иш тажрибасидан.
22.25 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Уйғуннинг ижодий кечаси.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.20 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби».
18.55 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
19.45 Тошкент янгиликлари.
20.10 «Запасдаги офицер». Бадиий фильм.
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 21. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Горнчилар, қаердасиз!»
10.10 «Текширув». Бадиий фильм.
11.20 «Жаранглa, бандура».
11.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Инсон ва табиат». Телевизион ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Стадион ҳамма учун».
16.40 В. Репин чалади (скрипка).
17.15 «Ҳиндистон билан учрашув».
17.40 Шоир Л. Мартиновнинг ижодига бағишланган телевизион ҳужжатли фильм.
18.40 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Шу куннинг почтаси». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.
19.50 «Қадрдон оҳангларда қанча туйғулар...» Фильм-концерт премьераси.
20.25 «Кузги шудринглар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
22.00 СССРда ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШИ. РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрида концерт. Танаффус пайтида — «Дунё воқеалари».
23.55 Тинчлик велопойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Василуца, Виринея ва... Мария». Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 Тарих. 5-синф. Қадимий Римда маданият ва фан.
10.05, 14.25 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Дам олиш маданияти.
11.35, 12.40 Физика. 8-синф. Робот техникаси.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.10 М. Жалил поэзияси.
13.55 А. П. Бородин музикаларида паҳлавонлар образи.
14.55 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
15.25 А. М. Горький. «Тубанликда».
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.15 МТ ва БР эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Социалистик экономикани бошқариш». Кўрсатувни СССР ФА мухбир аъзоси П. Г. Бунич олиб боради.
21.15 «Обь — Сибирь дарёси». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.00 «Ҳаммаси одамларга қолади». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
11.30 Физика. Электромагнетизм қонунлари ва уларнинг қўлланилиши.
12.00 «Дебют». Телефильм.
12.30 Адабиёт. Адабиёт назариясидан ўтилганларни такрорлаш.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Соябон». Мультфильм.
18.20 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Солдат онаси».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «О, денгиз, денгиз!» Катталар учун мультфильм.
20.00 Телевизион новеллалар театри. С. Зуннунова. «Чайқовчининг тавбаси».
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР халқ артисти М. Шамаева ва ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Р. Шарипова ижросида Шарқ халқларининг қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дала ишлари кундалиги».
22.20 «Омадли «Чўртан» командири». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.15 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Бир севги тарихи». Телефильм.
18.50 Ўқитувчи экрани (рус.).
19.20 «Колхозга нима учун айиқлар керак», «Автомобиль йўли соқчилари». Ҳужжатли фильмлар.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Тюленлар». Телефильм.
21.00 «Абитуриент-85». Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти.
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 22. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, фронт медицина ҳамшираси М. З. Шчербаченко билан учрашуви.
10.25 Т. Хренников. «Гусар балладаси» балетидан куй.
10.45 «Кузги шудринглар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Ҳужжатли фильмлар.
15.50 «Ака-ука Заволокинлар лапарлари».
16.15 «Александр Корнейчук».
17.20 «Ота уйи». Телеочерк.
17.50 «Қувноқ стартлар».
18.35 «Фан ва турмуш».
19.05 «Фожиа бўлмаслиги мумкин эди». Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Нима эксанг...» Мультфильм премьераси.
19.40 «Дунё ва ёшлар».
20.20 «Кузги шудринглар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. А. Сурков.
22.30 Тинчлик велопойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади.
22.50 «Менинг қўшиғим». Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Римбаева иштирокида фильм-концерт премьераси.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 Астрономия. 10-синф. Коинот ҳақида нималарни биламиз.
10.05, 14.10 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. В. И. Ленин. «Ҳозирги куннинг асосий вазифаси».
11.40, 12.40 Тарих. 9-синф. СССРда маданий революция.
12.10 «Онамларнинг мактаби».
13.10 Совет тасвирий санъати. «В. А. Фаворский устахонасида».
14.40 Умумий биология. Ирсият ва ўзгарувчанлик.
15.10 В. В. Маяковский. «Жуда соз». Поэма.
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 Халқа йўл бўйлаб «Социалистик мамлакатлар дўстлиги кубоги» автопойгаси халқаро мусобақалари. Ригадан олиб кўрсатилади.
19.15 «Травкинга ким эргашади?» Қурилишда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини такомиллаштириш ҳақида. 1-кўрсатув.
19.45 Бутуниттифоқ ва халқаро конкурслар лауреати С. Найко чалади (баян).
20.00 «Инсон ва қонун».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Советский спорт» киножурнали.
21.00 «Музикали киоск».
21.30 «Время».
22.05 «Юқори проба». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.10 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси)— «Арарат».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Чемпион бўлишни ҳоҳлайман». Телефильм.
10.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор» (такрорий).
11.30 Физика. Физика ва илмий-техника революцияси.
12.00 «Мактаб директори нималарга улгуради». Телефильм.
12.30 Химия. Ўзбекистонда химия саноатининг ривожланиши.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қушлар байрами». Мультфильм.
18.25 Глиэр номидаги музика мактаб интернати ўзбек халқ чолғулари оркестрининг концерти.
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Помир» (Душанба). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Зулфия қўшиқлари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Халқлар дўстлиги орденли В. Маяковский номли Душанба рус Давлат драма театри.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16,10 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Улкан ғалла хирмонига йўл». Ҳужжатли фильм.
18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.10 Ўқитувчи экрани. Химия ўқитувчиларининг илғор иш тажрибаси.
19.45 Реклама.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Экранда М. А. Шолохов». Кинокўрсатув.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 23. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар: «Крем-брюле», «Бола ва булут», «Қайиқча».
10.10 «Саёҳатчилар клуби».
11.10 «Кузги шудринглар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Бизнинг замондошимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
16.45 «Ўшанда, 45-йилда». Ҳужжатли фильм премьераси.
17.55 Ҳиндистон артистлари ижро этади.
18.40 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат — жамият — инсон».
19.10 «Дунё воқеалари».
19.25 «Москвичка» телеклуби.
20.25 «Михаил Шолохов». Ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР кубоги. Ярим финаллар. «Динамо» (Киев) — «Искра» (Смоленск), «Шахтёр» — «Зенит». Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Сув жозибаси». Телевизион ҳужжатли фильм.
9.35, 10.45 Табиатшунослик. 4-синф. Ҳайвонларнинг хилмахиллиги.
9.55 «Ҳамма гап баландликда». Илмий-оммабоп фильм. Студент қурилиш отрядларида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ҳақида.
10.15, 13.40 Испан тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. В. В. Маяковский. «Мен кашф этган Америка».
11.35, 12.45 Зоология. 7-синф. Дарвиннинг эволюцион таълимоти.
12.00 «Йўл йўқ жойда». Илмий-оммабоп фильм.
12.15 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.10 «Кураш ва норозилик қўшиқлари».
14.10 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Ёшлар союзларининг вазифалари».
14.50 «Мимино». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Травкин сабоқлари». 2-кўрсатув.
19.20 «Экранда — Сибирь». Киножурнал.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Шахмат мактаби».
21.15 «Днестр» халқ ансамбли ижро этади.
21.30 «Время».
22.00 «Юқори проба». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Рус тили. Биз нимани ўргандик?
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Гўзаллик оламига саёҳат» (такрорий).
11.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Ўзбекистон — социализмнинг Шарқдаги машъалидир.
12.00 «Болалар». Телефильм.
12.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Ўзбекистон — социализмнинг Шарқдаги машъалидир (рус.).
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан, бир асал ари бўлган экан...» Мультфильм.
18.30 «Ўзбекистон матлубот кооперацияси системасида агросаноат интеграциясининг ривожланиши».
19.00 «Ҳаёт каби тирик».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Театр учрашувлари». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг «Маршал Жуков» спектакли ҳақида.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғулари оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Пилла — бойлигимиз».
22.20 «Икки Фёдор». Бадиий фильм (рус.).
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.25 МТ II
18.20 Кўрсатувлар программаси.
18.25 «Юз йиллар оша кўприклар». Ҳужжатли фильм.
18.35 «Ашаддий душман». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Ноқоратупроқ дони». Ҳужжатли фильм.
20.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Фестиваль йўлларидан» (такрорий).
21.30 МТ II

ЖУМА, 24. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
10.05 «Михаил Шолохов». Ҳужжатли фильм.
11.05 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг духовой оркестри чалади.
12.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
15.45 «Рус тили».
16.15 «Москва. Фестиваль».
16.45 «Бу фантастик олам».
18.05 «Қувноқ нотачалар».
18.20 Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Польшадан олиб кўрсатилади.
18.50 «Сокинликка ишонма». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.55 «Дон қиссаси». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Биргалашиб қўшиқ куйлайлик, дўстлар».
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Идеалга яқинлашув». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 География. 8-синф. Ўрта Осиё иқтисодий районн.
10.05, 13.10 Инглиз тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Совет ишчиси.
11.35, 12.35 Музика. 1-синф. Симфоник оркестр чолғулари. 2-кўрсатув.
12.05 Илмий-оммабоп фильмлар: «Қайноқ электронлар сири», «Авача вулқони».
13.40 Умумий биология. Сунъий ва табиий танланиш.
14.10 И. В. Гёте. «Фауст». 9-синф.
14.40 Физика. Энергиянинг сақланиш қонуни.
15.10 Л. Н. Толстой драматургияси. 1-кўрсатув.
16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Ўқитувчига — музика сабоғи. 1-синф. 5-кўрсатув.
19.50 Ритмик гимнастика.
20.20 В. Кунченко куйлайди.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ўсимликлар олами».
21.30 «Время».
22.05 «Юқори проба». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
23.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» — «Спартак».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Бахтли бўлай десанг». Телевизион бадиий фильм.
11.30 Рус адабиёти. А. С. Пушкин ҳаёти саҳифалари. Болдино (рус.).
12.00 «Омад тақаси». Телефильм.
12.30 Жамиятшунослик. КПСС — совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Муми-долга куз келди». Мультфильм.
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Солдат қалби». Адабий композиция.
19.00 Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига. «Мусобақа— омма ижоди» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Катталар учун мультфильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Инсон ва қонун».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғалабамиз баҳори». Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган байрам кўрсатуви (9 майдаги кўрсатув такрорланади).
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.10 МТ II
18.20 Кўрсатувлар программаси.
18.25 «Довюрак». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Махсус цех». Телефильм.
20.30 Рус тили — мактабгача ёшдаги болаларга. Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатишда оила билан олиб бориладиган ишлар.
21.00 «Кириши». Телефильм.
21.30 МТ II

ШАНБА, 25. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
10.05 «Африка озодлиги куни». Кинопрограмма.
10.50 «Африка оҳанглари». Концерт.
11.15 «Сизга манзур адабиётлар».
12.00 БССР Давлат академик халқ хорининг концерти.
12.30 Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Польшадан олиб кўрсатилади.
13.05 «Инсон. Ер. Коинот».
13.50 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.20 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Ўн уч минг орол рақси» (Индонезия).
14.50 Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Польшадан олиб кўрсатилади.
15.30 «Дунё воқеалари».
15.45 «Уч денгиз оша саёҳат». Бадиий фильм. 1-серия. «Найясансар» (Ҳиндистон) киностудияси, «Мосфильм».
17.00 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати.
17.30 «Ҳайвонот оламида».
18.30 «Музикали карусель». ГДРдан олиб кўрсатилади.
19.00 «9-студия».
20.00 «Ҳақиқий эркакча ҳаёт». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Кинопанорама».
23.45 Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Польшадан олиб кўрсатилади.
00.15 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади».
10.00 «Сиз яратган боғ».
10.30 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
11.00 «Экологик кундалик».
11.30 «Дебют». С. Чоткараева куйлайди.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
13.00 Мотокросс бўйича жаҳон чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
13.30 «Дивертисмент». Фильм-концерт премьераси.
13.55 ЛАТВИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
15.20 «Оҳ ва Аҳ». Мультфильм.
15.30 «Закарпатье жилолари». Бадиий коллективлар ижро этади.
16.15 «Москва... бу сўзда қанчалар маъно...» Ҳужжатли фильм премьераси.
16.35 «Салют, фестиваль!» Ёшлар ва студентларнинг Москвада бўладиган XII жаҳон фестивалига бағишланган ёшлар кўрсатуви.
18.20 «Ҳақиқат тўлови». Бадиий фильм.
19.45 «Стадион ҳамма учун».
20.15 «Халқаро обзор».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Софья Голевкина». Илмий-оммабоп фильм.
22.30 «Шанба оқшомлари». МТ ва БР Катта симфоник оркестрининг концерти. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Кинопублицист экрани».
11.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Ҳар доим бўлсин қуёш!» Адабий-музикали композиция (такрорий).
11.50 «Касаба союзлари — коммунизм мактаби». Ўзбекистон Касаба союзларининг 60 йиллигига (рус.).
12.20 «Ижод саҳифалари». М. А. Шолохов. Ёзувчи туғилган куннинг 80 йиллигига.
13.05 «Шахмат мактаби».
13.35 «Замондас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Довюрак йигитлар», «Полизчи хўтик». Қўғирчоқ фильмлар.
18.30 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.).
19.00 «Лицедей». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номли хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. Фрунзедан олиб кўрсатилади.
23.05 Чим устида хоккей бўйича СССР чемпионати. «Политотдел» (Тошкент области) — «Андижанка». Ёзиб олинган репортаж.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

●

9.00—16.35 МТ II
17.25—21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ЯКШАНБА, 26. V

ХИМИКЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 Время».
9.40 Орёл шаҳар «Наигриш» чолғу триоси чалади.
10.00 «Спортлото»нинг 21-тиражи.
10.10 «Будильник».
10.40 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.40 «Здоровье».
12.25 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
12.55 «Елканлар кўтарилсин». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
13.10 «Қишлоқ янгиликлари».
14.10 «Музикали киоск».
14.40 «Бугун — Химиклар куни». Кўрсатувда СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министри В. С. Фёдоров иштирок этади.
15.10 «Хатларингиз асосида...» Музикали кўрсатув.
15.55 «Уч денгиз оша саёҳат». Бадиий фильм. 2- серия.
17.10 «Саёҳатчилар клуби».
18.10 Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Польшадан олиб кўрсатилади.
18.35 «Халқаро панорама».
19.20 Мультфильм.
19.30 «Қўшиқ—жангчига». Фильм-концерт премьераси. СССР халқ артисти Л. Зикина иштирок этади.
20.10 «Қор ёғмасдан туриб». Телевизион бадиий фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти.
22.55 «Совет ёзувчиларининг ҳикояларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Кутепов ўқийди». Фильм-концерт.
00.05 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 Ашхобод шаҳар болалар филармониясининг скрипкачилар ансамбли ижро этади.
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Рус тили».
10.30 «Жонли хотира». Брянск шаҳри ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
11.05 С. Рахманинов. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 3-концерт.
11.50 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.50 «Мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб». ГФР ҳужжатли фильмлари. «Жаҳон халқларининг ўйинлари» туркумидан. «Лотин Америкаси», «Жануби-Шарқий Осиё».
13.50 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
14.35 «Чўртан балиқ амри билан». СССР халқ артисти С. В. Образцов раҳбарлигидаги Давлат академик Марказий қўғирчоқ театрининг фильм-спектакли.
15.40 «Инсон — замин соҳиби».
16.40 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Ўн уч минг орол рақслари» (Индонезия).
17.10 «Дунё ва ёшлар».
17.45 «Музика шундай яратилади».
19.00 Спорт кўрсатуви.
19.45 «Сиз бунга қодирсиз».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари». Г. Свиридов.
21.30 «Время».
22.05 «Сўнгги ва биринчи кун». Бадиий фильм.
23.30 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «ЗИИ» — АСК (Минск).

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Химиклар кунига. «Оқ уйимга ташриф буюр». Телефильм.
10.45 «Сизнинг севимли қаҳрамонларингиз». Болалар учун кинокўрсатув.
11.45 «Педагог кадрларни тайёрлаш». Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари ҳақида.
12.15 «Қувноқ стартлар».
13.15 «Нуки саргузаштлари». Бадиий фильм (рус.).
14.30 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун».
15.05 «Ўзбекистон спорти» (рус.).
15.35 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қуённинг кўз ёшлари». Мультфильм.
18.15 Болалар учун. «Бойчечак».
18.45 «Бугун — Химиклар куни».
19.00 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Наштар». Ҳажвий киножурнал.
20.00 «Цирк чироқлари». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Балет шинавандаларига». Аданнинг «Жизель» спектаклидан парчалар. Кўрсатувни балетмейстер И. Горлина олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Экранда — кинокомедия». «Хўжа Насриддиннинг 12 қабри».
23.30 Кўрсатувлар программаси.

●

9.00—14.35 МТ II
15.35—21.30 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ДИҚҚАТ!

ҲАМИД ОЛИМЖОН МАЙДОНИДА 20 қаватли турар жой уйлари комплекси қурилиши ҳамда ФРУНЗЕ — БОРОДИНСКАЯ — ҚОРИ НИЁЗОВ КЎЧАЛАРИ ЧОРРАҲАЛАРИДА транспорт ҳаракати тўхтатилиши муносабати билан Фрунзе кўчаси бўйлаб Каблуков кўчасидан Бородинская кўчасигача бўлган участкада транспорт ҳаракати

ТЎХТАТИЛАДИ

БОРОДИНСКАЯ кўчаси бўйлаб ФРУНЗЕ кўчасидан Л. ТОЛСТОЙ кўчасигача бўлган участкада транспорт ҳаракати икки томонлама йўналишда

ФРУНЗЕ КЎЧАСИ — БОРОДИНСКАЯ КЎЧАСИ ЧОРРАҲАЛАРИГА

ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бўлими шаҳар автоинспекцияси бошқармасининг агитация ва пропаганда бўлими.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

22 май соат 19.00 да

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН «ПАХТАКОР» (Тошкент — «ПОМИР» (Душанба)

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Пахтакор» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билетлар сотилмоқда.

Коллектив заявкалар қабул қилинмоқда.

НАВОИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ҳамма ихтисослар бўйича ҳужжатлар

31 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Кириш имтиҳонлари 1 июндан бошланади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/V да **Флория Тоска**, 19/V да **Золушка**, (12.00), **Чио-Чио-Сан** (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 18/V дан бошлаб **СССР халқ артисти В. Оскал-Оол раҳбарлигидаги совет цирки усталарининг томошалари.** (19.30).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

БУГУН

ЯНГИ ПРОГРАММА

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ В. ОСКАЛ-ООЛ РАҲБАРЛИГИДА

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ТОМОШАЛАРИ

(Икки бўлимда)

ТОМОШАЛАР соат 19.30 да; шанба кунлари соат 16 ва 19.00 да; якшанба кунлари соат 12, 15 ва 18.00 да БОШЛАНАДИ.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Касса ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНГИ ТОМОШАЛАРГА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЗАЯВКАЛАРИ БИРИНЧИ НАВБАТДА ҚОНДИРИЛАДИ.

44-35-91, 44-35-84 телефонлари бўйича справкалар олишингиз мумкин.

КИНО

18, 19 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТРЮКЧИ» — **Чайка** (18.30, 21.00; телефон 77-35-43).

«ҚАДРДОН УМРАО»— **Ватан** (18.30, 21.00); **Москва** (18.30, 20.40), **Восток** (17, 20.30; телефон 91-14-23).

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-47-74).

«СОЯГА ТУРМУШГА ЧИҚДИМ»— **Фестиваль** (21.30).

«ПРОХИНДИАДА ЁКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» —**Хива** (21.30).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» —**Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92). **К. Ёрматов номли** (17, 20.00).

«ШАҲЗОДА ВА ГАДО» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«ТУТСИ» —**Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«МЕНИНГ НОМЗОДИМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«Узбектелефильм» студияси коллективи овоз оператори К. С. Ҳошимовга қизи

Наргиза ҲОШИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ **(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)**

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

Р—12264.